RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 19 июнь, № 120 (4530) Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн етти йиллигини муносиб кутиб олиш, ушбу буюк сананинг моҳияти ва аҳамиятини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирадиган юксак даражада ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси шу йилнинг 25 июнига қадар "Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғи, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун эркинлик ва озодлик тимсоли, энг улуғ ва энг азиз айём эканини чуқур очиб беришга қаратилган маданий-маърифий анжуманлар, суҳбат ва учрашувлар уюштириш;

истиқлол халқимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имконини берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам гарови бўлиб келаётганини оммавий тадбирлар орқали акс эттириш;

мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганини ҳар томонлама кенг тарғиб этиш;

ўтган давр мобайнида кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги ошиб бораётганини, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини ифода этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

диёримизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига мустақиллик байрамининг ўн етти йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда жорий йилнинг 1 июлига қадар республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган дастурларни ишлаб чиқиш топширилсин.

Ушбу дастурларда белгиланган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар учун "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" республика танловини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

8. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 12 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## БОЛАЛИКДАН НОГИРОНЛАР ТУҒИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ҳамда оналар ва болалар соғлиғини ҳар томонлама мустаҳкамлашни таъминлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар патологиясини барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болалар ногиронлигини қисқартириш мақсадида:

1. 2008-2012 йиллар даврида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Давлат дастури сифатли ва ўз вақтида рўёбга чиқарилишини амалий равишда мувофиқлаштириб, давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиб боришни таъминласин.

(Давоми 2-бетда).

## БУГУНГИ ТАЛАБА — ЭРТАНГИ МУТАХАССИС

***Айни кунларда мамлакатимиз олий ўқув юртларининг юқори босқич талабалари олган назарий билимларини турли хўжалик юритувчи субъектлар, идора ва муассасаларда амалиётда синаб кўришмоқда.***



*Хусусан, Қарши муҳандислик ва иқтисодиёт институтининг бир гуруҳ талабалари жанубий-ғарбий магистраль тармоқларига қарашли Қашқадарё ҳудудий юқори кучланишли электр тармоқлари участкасида тажриба ва малакаларини оширмоқдалар.*

*— Участкамиз вилоят миқёсида 220-250 киловольтли кичик станция ва линияларни назорат қилади ҳамда уларнинг бир маромда ишлашини таъминлайди, — дейди техника хавфсизлиги бўйича етакчи муҳандис Дўстёр Бадалов. — Жамоамизда соҳанинг етук мутахассислари кўплаб топилади. Улар амалиёт курсини ўтаётган ёшларга ўзларининг бой ҳаётий тажрибасини ўргатишмоқда.*

*Сиз суратда кўриб турган бўлажак муҳандислар Актам Маматов, Зафар Исмоилов етук мутахассис Дўсёр Бадаловдан техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганишмоқда.*

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРА БОРИБ

***Бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида муҳим роль ўйнаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тегишли қонунлар билан тартибга солиниб ва бошқариб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси 2008 йил 18 июнь куни Фарғона шаҳрида ўтказган сайёр мажлисда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятида ижро этилиши натижалари кўриб чиқилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.***

**▼ Тадбир**

Мазкур Қонун нормалари талабларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари ўз ваколатларини қандай амалга ошираётганлиги борасидаги аҳволни аниқлаш мақсадида аввал мониторинг ўтказилди.

Мажлисда Фарғона вилоятида 1008 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ишлаб турганлиги, уларнинг ҳаммаси жой, керакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлиги, 948 таси балансида бино борлиги, 41 тасида маҳалла гузарлари барпо этилганлиги айтилди. 2008 йил 1 июнь ҳолатига кўра, фуқаролар йиғинларидан 296 таси (29,3 фоизи) компьютер билан таъминланган, 544 тасида (53,9 фоизида) телефон алоқаси ўрнатилган.

Қонун талабларига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан шаҳар, туман ва вилоят ҳокимликлари, шунингдек, тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб бормоқда. 2007 йилда ва жорий йилнинг беш ойи мобайнида вилоятда фуқаролар йиғинлари кўмагида 29170 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Ана шу муддат мобайнида бўш иш жойларининг қирқта ярмаркаси ўтказилди, уларда 1116 та корхона ва 8697 та ташкилот иштирок этди. Ўтказилган меҳнат ярмаркалари шарофати билан 2354 киши, шу жумладан, 1047 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида касаначилик йўли билан 2760 иш ўрни яратилди.

Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари ўз фаолиятларида фуқароларни қабул қилиш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш масалаларига етарли даражада эътибор бермоқдалар. 2008 йил 1 июнь ҳолатига кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари томонидан гўдак ва вояга етмаган фарзандлари бор 171571 оилага жами 23,3 миллиард сўм миқдорида нафақа берилди, кам таъминланган оилалардан 35156 тасига жами 1,5 миллиард сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳамда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан изчил иш олиб бормоқдалар, сиёсий, ҳуқуқий маданиятни оширишга, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга қаратилган тадбирлар ташкил этмоқдалар.

Сенаторлар муҳокама асносида фуқаролар ўзини ўзи

(Давоми 2-бетда).

## АТАМАШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

***Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида атамашуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

**▼ Мутолаа**

Анжуманда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари вакиллари, атамашунослик, ноширлик соҳаларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А. Хўжаев мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда бўлгани каби атамашунослик ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши бошқа соҳалар каби миллий луғатчиликнинг ривожида ҳам муҳим омил

(Давоми 2-бетда).

## Жаҳон бозорига йўл

**Наманганда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар сони тобора ортиб бормоқда.**

**▼ Изланиш**

Жумладан, Попдаги "Пальматекс" хорижий корхонаси ўз фаолиятини бошлаган кундан эътиборан экспорт учун маҳсулот чиқараётир. Жорий йилнинг ўтган даврида корхона 737 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилган бўлса, "Попфен" қўшма корхонасининг мазкур йўналишдаги кўрсаткичи 2,1 миллион долларни ташкил этмоқда. Шунингдек, "Наманганмаш" акциядорлик жамияти, "Халил силк" қўшма корхонаси, Тўрақўрғондаги "Дилрабо СДА" кўп тармоқли фирмаси ҳам маҳсулотларининг асосий қисмини экспортга чиқармоқда.

Эътироф этиш керак, йил бошидан буён ана шундай корхоналарнинг кучи билан 42,9 миллион долларлик маҳсулот ташқи савдога чиқарилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Чиқиндидан — томёпқич

***Юртимизда ишнинг кўзини билган тадбиркорлар яратувчилик ишқида тер тўкиб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.***

**▼ Ибрат**

Зариф Нарзуллаев — шулардан бири. Асли касби қурувчи бўлган бу инсон ўзи меҳнат қилаётган Янгиердаги "Полимер бинокор" масъулияти чекланган жамиятдаги ҳамкасблари билан биргаликда целлофан чиқиндиларидан полимер томёпқич ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу маҳсулот 40 даража совуқ ва иссиққа чидамлидир.

Корхонада 20 нафар ишчи уч сменада меҳнат қилиб, улар кунига 200 квадрат метр енгил, арзон ва сифатли томёпқичлар ишлаб чиқармоқда.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**Д. АБДУЛЛАЕВА.**

## МЕҲНАТ БОЗОРИ СОҲАСИДАГИ ФАОЛ СИЁСАТ

Бир рақам шарҳи



**2008** йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимизда иш билан банд бўлганлар сони **309,7** минг кишига кўпайди.

Ўтган даврда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида меҳнат бозори соҳасида олиб борилган фаол сиёсат аҳоли бандлигининг шу даражада ўсишини таъминлади.

**▼ Ҳамкорлик**

***Бухоро шаҳридаги 32-мактаб жамоаси тақдим этган лойиҳа Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан эълон қилинган танловнинг «Кичик қамровдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам» йўналишида ғолиб чиққанди.***

## Мактабга хориж гранти

Шартномага мувофиқ, мактабга умумий қиймати 58 минг АҚШ доллари миқдоридаги ўқув жиҳозлари келтирилди. Шу билан бирга, муассаса кутубхонаси ҳам зарур воситалар билан жиҳозланди. Эндиликда ўқувчилар пухта билим олишлари учун замонавий шарт-шароитга эга бўлдилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида Оролбўйи минтақасидаги экологик инқироз ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятга бағишланган фотокўргазма бўлиб ўтди.***

# СУРАТЛАРДА ОРОЛ МАВЗУИ

Фотокўргазма

Ўзбекистонлик таниқли фоторассомларнинг Орол денгизи ва унга туташ ҳудудлардаги экологик фожиага бағишланган асарлари «Университетлар таълимнинг янги сифати йўлида» мавзуига бағишланган халқаро анжуман иштирокчилари ва меҳмонларининг диққат-эътиборини жалб этди. Фотокўргазма Россия ва МДҲ мамлакатларининг қарийб барча олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этаётган мазкур йиғилиш мавзусини тўлдириб, унга янгича маъно бағишлади.

— Орол денгизи ва унинг ҳудудида яшовчи инсонлар ҳаётига бағишланган кўргазма анжуманнинг барча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, — деди МДУ проректори Н.Сёмин. — Кўргазмада намойиш этилган ҳужжатли лавҳалар, жумладан, космосдан олинган фотосуратлар, ўзбекистонлик истеъдодли сураткашларнинг асарлари бугунги глобаллашув шароитида экологик хавфсизлик ва таълим бир-биридан ажралмас тушунчалар эканини чуқур англашимиз нақадар муҳимлигини яна бир бор тасдиқлаб берди.

Илгари мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонасида ўтказилган эди. Бўлиб ўтган давра суҳбати иштирокчилари, жумладан, Россия Фанлар академияси (РФА) академиги О.Ф.Васильев, РФА Сув муаммолари институти лабораторияси мудири М.В.Болгов, жўғрофия фанлари доктори Н.М.Новикова, «Сувдан фойдаланувчилар иттифоқи» жамоат бирлашмаси вице-президенти, профессор Ю.Богомолов каби россиялик таниқли олим ва экспертлар Орол денгизи муаммоси билан атрофлича танишиш имконига эга бўлганди.

Олимлар жорий йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция натижаларини тўла қўллаб-қувватладилар.

РФАнинг А.М.Обухов номидаги атмосфера физикаси институти лабораторияси мудири И.Гранбергнинг фикрича, конференция дунё миқёсидаги муаммога айланиб улгурган Орол минтақасидаги инқироз нақадар оғир тус олганини яна бир бор намойиш этди.

— Бундай шароитда минтақадаги трансчегаравий дарёлар сувидан халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва қўшни мамлакатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда биргаликда фойдаланиш лозим, — деди россиялик олим. — Бу фикр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил августида Бишкекда бўлиб ўтган ШҲТ саммитида сўзлаган маърузасида ҳам акс этган бўлиб, Ўзбекистон раҳбари бу масала минтақа давлатларининг алоҳида эътиборини талаб этишига урғу берганди.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган «Экстремал шароитларда сув-ресурс тизимларини бошқариш» мавзуидаги нуфузли конференция ҳам Россия илмий доиралари ва халқаро жамоатчиликнинг Орол мавзусига қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Тадбир Россия Федерацияси сув ресурслари федерал агентлиги ҳамда Голландия сув шериклиги (NWP) томонидан ташкил этилган эди.

Россия, Голландия, Бельгия, Дания, Швейцария, Германия, Польша, Украина ва бошқа кўплаб мамлакатлардан келган мутахассислар тадбир доирасида Орол инқирози ва минтақада истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида тасаввур уйғотувчи фотокўргазма билан танишиш имкониятига эга бўлди.

**«Жаҳон» АА.**
Москва

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

***Сўнгги йилларда халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизматни ҳар тарафлама юқори даражага кўтаришга қаратилган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шу жумладан, Хоразм вилоятида ҳам тиббий муассасаларнинг моддий-техник даражаси, қиёфаси тубдан ўзгарди, малакали кадрлар билан бойиди. Шифохона ва соғломлаштириш масканлари замонавий биноларга ўтказилмоқда, улар жаҳон андозаларига мос, янги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда.***

Масалан, Урганч шаҳрида энг илғор даражадаги тиббий марказлар вужудга келди. Бундай илмий-амалий тиббий марказларни бир вақтлар орзу қилиб ҳам бўлмас эди. Шулардан бири — вилоят кўз микрохирургияси марказидир. Уни таъмирлаш ва асбоб-ускуналар билан таъминлашга 276,4 млн. сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, ушбу марказга Германиянинг грант маблағлари ҳисобига 15 минг евро миқдорида тиббий ускуналар келтирилди. Вилоят тиббиётидаги яна бир муҳим янгилик — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали ташкил топганлигидир. Ушбу филиал ҳам Ислом тараққиёт банкининг ёрдами билан 463,2 млн. сўмлик энг замонавий тиббий ускуналар билан бойиди.

Айниқса, қишлоқ жойларда бирламчи тиббий хизматни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб вилоятдаги 26 та ҚВПни, «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида, энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга киришилди. Яна бир янгилик шуки, туман туғуруқхоналарида «Оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб борилди ва уларнинг барчасида лаборатория жиҳозлари тубдан янгиланди. Бундай ўзгаришлардан, янгиликлардан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Булардан кўзланган мақсад — элга тиббий хизмат маданиятини тубдан яхшилаш, илғор тиббий технологияларни вилоятдаги саломатликни сақлаш тизимларига олиб кириш, аҳолининг малакали тиббий хизмат излаб, харажат ва йўл азобларини тортиб, узоқларга қатнаб юришининг олдини олишдир.

Бунда Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамият касб этмоқда. Вилоят тиббиёт ходимлари томонидан давлатимизнинг ушбу дастурий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш йўлида ибратли ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда бақувват тиббий инфратузилма вужудга келди. Аҳолига 33 та шифохона, 214 та амбулатория-поликлиника муассасалари, шу жумладан, 163 та қишлоқ врачлик пункти, «Она ва бола» скрининг маркази намунали хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси замонавий кўркам биноларда жойлашган. Вилоятда 106 та «Тез тиббий ёрдам» машинаси беморлар хизматида. Барча туман, шаҳар шошилинч тиббий ёрдам марказлари транспорт билан тўлиқ таъминланган. Ҳозирда даволаш муассасаларида илғор замонавий малакали 3949 нафар врач, 13981 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг орасида 12 на-

Тиббиёт



фар тиббиёт фанлари доктори, 99 нафар тиббиёт фанлари номзоди бор. 20 фоиздан ортиғи эса олий тоифали шифокорлар ҳисобланади. Айни кунда тизимда 13 нафар олий маълумотли ҳамшира ишлаётган бўлса, яна 60 нафари олий ҳамширaликка ўқимоқда.

Демоқчимизки, вилоятимизда тиббий кадрлар малакасини оширишга жиддий эътибор берилаяпти. Шу мақсадда, аттестация гуруҳлари ташкил этилиб, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси мунтазам синовдан ўтказиб турилибди.

Маълумки, оналик ва боламикни муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш тизими олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади. Бутун вилоятда оналар ва болалар саломатлиги кўриги мунтазам йўлга қўйилган. Жумладан, 2007 йилда янги оила қураётган 16875 жуфтлик никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказилди. Ана шу кўрик натижалари асосида вилоят миқёсида ёшларга зарур тиббий даволаш-профилактика ёрдами кўрсатилди. Бу борадаги жиддий чора-тадбирлардан яна бири шуки, камқонликка учраган ҳомиладор аёлларнинг барчаси темир моддасига бой дори-дармонлар билан таъминлаб келинмоқда.

Тиббиётда: «Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган юз бора маъқул», деган олтин қоида бор. Шунга амал қилган ҳолда, вилоятдаги барча умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида 16 соатлик «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» мавзусида факультатив дарслар ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбир аҳоли тиббий маданиятини яхшиламоқда. Бу дарсларни эса 280 нафар мутахассис тиббиёт ходими олиб бормоқда.

Вилоятда аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида бир қатор муҳим лойиҳаларини ҳаётга жорий этиш мўлжалланмоқда. Масалан, бу ерда туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва ташхис маркази ташкил этилади. Айни кунларда, вилоят наркология диспансери биносини мукаммал таъмирлаш, қишлоқларда яна 4 та янги ҚВП қуриш, шунингдек, вилоят Кардиология маркази биносини барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. ҚВПлар қурилишига 560 млн. сўм, Кардиология марказини бунёд этишга 1,5 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Соҳадаги ислоҳотлар маромини турли жабҳа вакиллари сидқидилдан эътироф этмоқдалар.

Муборак БЕКЖОНОВА, Янгиариқ туман газетаси ходими:

— Аваз Ўтар номидаги маҳаллада 10 мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Ушбу маҳалладаги ҚВП хизматидан улар ниҳоятда миннатдор. ҚВП атрофи гулларга, дарахтларга бурканган бинода жойлашган. Хоналарга иссиқ-совуқ сув олиб кирилган, газ билан таъминланган. Шаҳарлардагидан қолишмайдиган бир шароит яратилган бу ерда. Шифохонада 5 нафар врач, 22 нафар ҳамшира бор. Ваҳоланки, бир вақтлар қишлоқда битта ҳам мутахассис шифокор йўқ эди.

Иброҳим ЖУМАНИЁЗОВ, Боғот тумани, Қулон-Қорабоғ қишлоғи фуқароси, ўқитувчи:

— Мен вилоят кўз касалликлари микрохирургияси марказида даволандим. Кўзим хира тортиб қолаётган эди. Текширувдан ўтдим. Барака топишсин, марказда жарроҳлик ёрдами кўрсатишди. Бугун оламни равшан кўраяпман. Вилоятимизда бундай замонавий шифохона ишга туширилганлигидан ниҳоятда хурсандмиз.

Мансур ОТАХОНОВ, Янгиариқ тумани, Таган қишлоғи, тракторчи:

— Автоҳалокатга учраб, ўнг қўлим суяклари майдаланиб кетди. Умидсизликка тушиб қолдим. Тракторда энди ишлай олмасам керак, деб қўрқдим. Туманимиз шифохонасидаги травматолог дўхтирлар битталаб суягимни теришди, дори-дармонлар қилишди. Қарангки, қўлим бояги-боягидай соғ, бутун бўлиб кетди. Олис қишлоқ туманида шундай шифокорлар борлигидан ҳам қойил қолдим, ҳам хурсанд бўлдим.

Бундай фикрларни эшитиш — биз, тиббиёт ходимларининг ҳам бахтимиз.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги. Бу нақлни хоразмлик тиббиёт фидойилари ўзлари учун амалий фаолият дастурига айлантириб олганлар. Улар доимо эл хизматига тайёрлар.

**Ҳамид ҚУРБАНОВ,**
**Хоразм вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.**

## МАДАНИЯТ хабарлари

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро маданият карвон саройида «Тахайюл ва Борлиқ» номли тасвирий санъат кўргазмаси иш бошлади.***

### «Тахайюл ва Борлиқ»



Унда ёш мусаввирлар — Шаҳноз Мирзакарим, Ойзода Жуманиёз, Агата Асфандиярова ҳамда Екатерина Акининанинг ижодига мансуб элликдан зиёд сара асарлар мухлислар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Бир-биридан бежирим натюрмортларда инсон руҳиятининг энг нозик қирралари очиб берилса, манзараларда борлиқнинг нақадар кенг, инсон ақлини-да лол қолдирувчи ҳикматларга тўла эканлиги моҳирона акс эттирилади. Шу маънода кўргазмадаги экспонатларни тахайюл сарҳадларининг ёрқин маҳсули, дейиш мумкин.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

### «Лайли ва Мажнун»нинг янги талқини

***Қашқадарё вилоят театри ижодий жамоаси Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони асосида саҳналаштирилган янги спектаклни томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.***

Мусиқали драма жанридаги бу томоша кичик саҳнага мўлжалланган бўлиб, воқеалар давра қуриб ўтирган томошабинлар кўз ўнгида кечиши билан бошқа спектакллардан ажралиб туради.

Саҳна асари филология фанлари номзоди Нафас Шодмонов қаламига мансуб. Мусиқа ва ашулаларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Одилжон Исмоилов ва Нишон Авазов танлашган. Таниқли режиссёр Овлиёқули Хўжақулиев ўз ижодий тамойилларига содиқ қолган ҳолда асарнинг бош ғояси — севги, муҳаббат ва садоқат талқинида бетакрор ечимларни топишга эришган.

— Театримиз мусиқали драма театри дейилгани билан анчадан бери бу жанрда асар саҳналаштирилмаган эди, — дейди директор Зокир Аҳмедов. — Кескин драматик ҳолатларни томошабинга миллий мусиқа дурдоналари билан уйғунлаштирилган ҳолда етказиш режиссёрдан ҳам, актёрлардан ҳам катта маҳорат талаб қилади. Бу спектаклни тайёрлаш жараёнида жамоамизнинг ижодий имкониятлари катта эканлигига амин бўлдик.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## Спорт • Sport • Спорт

***Жиззах шаҳрида 9-10 ёшли болалар ўртасида "Футбол ғунчаси" турнирининг республика босқичи бўлиб ўтди.***

### Ёш футболчилар мусобақаси

Бир ҳафта давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ёш футболчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Мусобақа якунида Жиззахнинг "Дўстлик" жамоаси ёш футболчилари биринчи ўринни қўлга киритдилар. Самарқанд вилояти жамоаси иккинчи, Бухоро вилояти жамоаси эса учинчи ўриндан жой олди.

— Турнир давомида кўплаб дўстлар орттирдим, — дейди "Энг яхши ҳимоячи" номинацияси ғолиби, самарқандлик Д. Тиляков. — Мусобақадан бўш пайтимизда улар билан Европа чемпионати ўйинларини мириқиб томоша қилдик. Ўзбекистон футболини жаҳонга танитишни кўнглимизга тугиб қўйдик.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Полвонлар баҳси

***Булунғур педагогика ва спорт коллежи 1991-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича республика турнирига мезбонлик қилди.***

"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ташкиллаштирилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 289 нафар полвон 17 вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Ғолиблар Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши таъсис этган фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МИНСК
АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.



МИНСК
АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

1014Н/2222

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий к.,13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6 7